

Тўғараклар фаолиятида “Танлов мавзулар” технологияси.

Ҳозирги ёшларни замон талаблари асосида билимли, зукко ва ҳар томонлама комил қилиб тарбиялаш биз педагогларнинг олдимизга қўйган энг долзарб мақсадимиздир.

Бу мақсад йўлида ҳар биримиз турлича ёндашиб, изланиб, ўқувчиларимизнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, ҳар хил услублардан фойдаланишга, улар олган билимларини амалиётга тадбиқ этиш орқали кўникма ва малакаларини мустаҳкамлашга ҳаракат қиламиз.

Ҳозирги кунда ўқувчилар олаётган таълим сифатини яхшилаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Жумладан, президентимиз томонидан илгари сурилган беш ташаббус доирасида ташкил қилинган тўғараклар ҳамда фанлар кесимида юритилаётган тўғаракларнинг барчаси, ўқувчи ёшлар билимини мустаҳкамлашга йўналтирилган. Бу тўғаракларнинг таъсирчалигини кучайтириш ҳамда самарадорлигини ошириш уларнинг таълим муассасаларидаги ўрнини мустаҳкамлайди. Тўғараклар фаолиятининг жозибадорлигини оширишда **“Танлов мавзулар”** технологиясидан фойдаланиш самара беради.

Бунда тўғаракларро фаолият, фанларро боғлиқлик кучайиши билан бирга ўқувчиларда олинган билимларни таниш ва нотаниш вазиятларда қўллай олиш кўникма ва малакалари шаклланади.

“Танлов мавзулар” технологиясини қуйидагича тадбиқ қилиш мумкин. Ўқув йилининг I ва II ярим йиллик даврида ўқувчилар диққатига турли мавзулар келтирилган рўйхат илинади. Масалан, қуйидагича мавзулар берилиши мумкин.

1. Ўзбекистон – менинг она ватаним!
2. Буюк ўзбек мутафаккирлари
3. Китоб- менинг дўстимсан...

4. Атрофимиздаги олам
5. XXI аср замонвий технологиялар асри.
6. Келажак менинг тасаввуримида.
7. Менинг касбим- менинг фахрим! ва ҳоказо

Ўқувчилар синфлар ёки тўғарақлар кесимида ўзларига маъқул бўлган мавзунни танлашади. Масалан, **“Ўзбекистон – менинг она ватаним!”**.

Ўлкашинослик тўғарагида Ўзбекистоннинг ер майдони, табиий – географик ўрни, фойдали қазилмалари табиатига оид асосий маълумотларни ўрганади;

Рус тили ва адабиёти тўғарагида Ўзбекистон ҳақида ижодий баён ёзади;

Тарих фани тўғарагида музейга бориб юрт тарихига доир маълумотлар ўрганилади;

Иқтисод фан тўғарагида Ўзбекистон иқтисодиёти, мустақиллик йилларидаги ўзгаришлар ўрганилиб, ишлаб чиқариш корхоналарига саёҳат уюштирилади;

Она тили ва адабиёти фан тўғарагида олинган таассуротлар асосида иншо ёзилади.

Ҳафта сўнгида эса ҳар бир синф ўқувчилари ўзлари танлаган мавзу юзасидан олган билимларини саҳнада чиройли чиқиш – тақдимот қилиб кўрсатишади (синф раҳбарлари, ёшлар етакчиси ҳамда мактабдаги театр тўғараги раҳбари ёрдамида)



Олдиндан тайинланган ҳакамлар томонидан ўқувчилар чиқиши баҳоналанади ва ғолиб синфлар рағбанлантирилади.

Бу технологияни нафақат ижтимоий, табиий ҳамда фалсафа йўналишидаги фан тўғарқларида балки аниқ фанлари тўғарқлар фаолиятида ҳам қўллаш мумкин.

Мавзу: ХХІ аср - замонавий технологиялар асри !

Информатика тўғарқида замонавий технологиялар ҳақида маълумотлар берилиб, дастурлаштиришга оид мавзу тушунтириб ўтилади;

Тарих фани тўғарқида ХХІ асрдаги энг буюк кашфиётлар ҳақида маълумотлар берилади;

Физика фан тўғарқида фанга оид янги ихтиролар ҳақида фикр юритилиб, янги моделлар яратиш бўйича йўл-йўриқлар кўрсатилади (роботатехника, кибернетика);

Иқтисод фан тўғарагида янги замонавий технологиялар билан ишлаётган корхоналар ҳақида ахборотлар берилиб, шундай корхоналарнинг бирига саёҳат уюштирилади;

Она тили ва адабиёти фан тўғарагида олинган таъсуротлар асосида ижодий ишлар (шеър, ҳикоя, баён) ёзилади.

Ҳафта сўнгида эса ҳар бир синф ўқувчилари ўзлари танлаган мавзу юзасидан олган билимларини саҳнада чиройли чиқиш –тақдимот қилиб кўрсатишади (синф раҳбарлари, ёшлар етакчиси ҳамда мактабдаги театр тўғараги раҳбари ёрдамида).



Олдиндан тайинланган ҳакамлар томонидан ўқувчилар чиқиши баҳоналанади ва ёлиб синфлар рағбанлантирилади.

Бу технологиянинг ўзига хослиги:

- Ўқувчилар бир мавзу бўйича олти хил йўналишда билим олади;
- Уларнинг тасаввури ва дунёқараши кенгаяди;
- Ўз иқтидорини намоён эта олади;
- Синфлар аро рақобат кучаяди ва дўстона муҳит шаклланади;
- Ўқувчиларда болалиқдан касблар ҳақидаги тасаввури кенгайиб уларни касбга йўналтириш осонлашади;
- Мактабда олган билимини кундалик ҳаётга қўллай олишни ўрганади;
- Ўқувчиларнинг тўғарак фаолиятига қизиқиш ортибгина қолмай, олинган билимлар самарадорлиги ҳам ошади.